

## ЕР СОЛИҒИ АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*Н.У.Худайбердиев и.ф.н., доцент  
А.Алибоев МА-119 гуруҳ магистранти  
Самарқанд иқтисодиёт ва Сервис институти*

Аннотация: Мақолада ер солиғи аудитининг мақсада, кетма-кетлиги, ҳисоб китоблари ва уни такомиллаштириш бўйича мулоҳазалар баён қилинган.

Калит сўзлар: ер солиғи, аудит, солиқ ставкаси, солиқ базаси.

Аннотация: В статье описаны цели, последовательность, порядок ведения учета и даны комментарии по совершенствованию земельного налогового аудита.

Ключевые слова: земельный налог, аудит, налоговая ставка, налоговая база.

Abstract: The article describes the purpose, sequence, accounting and comments on the improvement of the land tax audit.


Keywords: land tax, audit, tax rate, tax base.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқлар тизимини бошқаришнинг назарий услубий ва амалий жабҳаларини тадқиқ этиш эътибор талаб қилинаётган соҳа бўлиб қолмоқда. Солиққа тортишнинг назарий асосларидан келиб чиқиб, солиқ сиёсатини амалга ошириш бу борада оптимал вариантни танлаб олишни талаб этади. Солиқлар давлатнинг барча йўналишдаги фаолияти учун зарур бўлган асосий молия манбалардан бири бўлиб, у ҳукуматнинг устувор йўналишларини ривожлантириш бўйича амалга оширишдаги асосий қуролидир. Давлат иқтисодиётини солиқлар орқали тартибга солиш бу давлат бюджетини ташкил этишнинг усули бўлса, солиққа тортиш йўли билан эса жамаиатдаги у ёки бу жараёнларини ривожланишига таъсир этиш мумкин бўлади. Яъни, давлатнинг мавжудлиги бу солиқлар билан чамбарчас боғлиқ бўлади, чунки солиқ тушумлари давлатнинг иқтисодий мустақиллигининг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади.

Солиқ аудити молиявий ҳисобот аудитининг алоҳида бир кўриниши сифатида шаклланиш сари интилмоқда. Солиқлар аудити мажбурий молиявий ҳисоботлар аудитининг бир қисми сифатида аудиторлик

ташкiлотлари томонидан ўтказилиши ҳозирги кунда алоҳида кўзга ташланмоқда. Бунга албатта корхоналарнинг раҳбарлари ташаббуслари билан аудиторлардан солиқ ҳисоби ва ҳисоботи текширилиш талаб қилинади. Аммо, молиявий ҳисобот аудити мижоз корхонанинг солиқ мажбуриятларининг тўлиқ кўламини текшириш имкониятини қамраб ололмайди. Шунинг учун, мижоз корхона солиқ рискинни камайтириш, солиқ ҳисобини тўғри ва самарали йўлга қўйишда солиқ ҳисобини тўлиқ текшириши мақсадида алоҳида солиқ аудитини ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Республикамиз Солиқ кодексига ва бошқа меъерий ҳужжатларида келтирилган юқоридаги тартиб-қоидаларга тўлиқ амал қилинаётганлигини аниқлаш ер солиғи аудитининг асосий вазифалари ҳисобланади. Ушбу вазифаларни тўлиқ ва тўғри адо этиш учун ер солиғи аудитини қуйидаги кетма-кетликда ўтказиш мақсадга мувофиқдир.



### 1-расм. Ер солиғи аудитининг кетма-кетлиги

Бюджетга тўланадиган ер солиғи суммаси, кўриниб турибдики, асосан иккита омилга боғлиқ: (1) солиқ солиш базасига ва (2) солиқ ставкасига. Демак, аудит текширувида, ер солиғига бевосита таъсир кўрсатувчи ушбу

омиллар миқдорини реал топилганлиги ўта муҳим роль ўйнайди. Бу вазифани бажариш учун, дастлаб, «Ер солиғи ҳисоб-китоби» ҳамда унга қилинадиган 2 та иловада келтирилган маълумотларнинг реаллиги бирма-бир текшириб чиқилиши лозим. Ушбу солиқнинг ҳисоб-китоби ва унга иловалар қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик бўлмаган ерлар учун ҳамда қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик бўлган ерлар учун махсус шаклларда тузилади.

Ер солиғи ҳисоб-китобига иловалар маълумотлари реаллигини текшириш солиқ объекти ҳисобланган ер майдонларига эгалик қилишга гувоҳлик берувчи кадастр хужжатлари маълумотларига асосан амалга оширилади. Аудиторлик текширувида аниқланган реал маълумотлар ва уларнинг корхона маълумотларидан четланишлари юқоридаги иловаларга қўшимча тарзда киритиладиган устунчаларда кўрсатилади.

Ер солиғи ҳисоб-китобига иловалар маълумотлари текширувидан сўнг аниқланган текширув маълумотлари ушбу солиқ ҳисоб-китобининг белгиланган шаклига аудитор томонидан қўшимча киритиладиган устунчага ўтказилади. Шунингдек, алоҳида очиладиган устунчада корхона маълумотлари ва текширув маълумотлари ўртасидаги мувофиқлик ёки четланишлар кўрсатилади. Ушбу мазмунда тузиладиган аудиторнинг иш хужжати ер солиғидаги четланишни нима эвазига юз берганлигини аниқлашга имкон беради.

Ер солиғи ҳам худди мол-мулк солиғи сингари корхоналарнинг харажатларига киритилади ва у орқали фойдадан солиқларга ҳам таъсир кўрсатади. Ушбу солиқни кўп ҳисобланганлиги фойдадан солиқларни кам ҳисобланишига ва, аксинча, унинг кам ҳисобланганлиги эса фойдадан солиқларни кўп ҳисобланишига олиб келади. Шу боис ҳам, ер солиғининг ҳисобланиши лозим бўлган реал суммаси топилгач, аудиторларнинг муҳим вазифаси бўлиб унинг корхоналар харажатларига (9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётига) олиб борилган суммасига тузатиш киритиш ҳисобланади.

Ер солиғини ҳисобот даврлари бўйича тўлаш тартибига риоя этилганлигини, унга доир молиявий санкциялар, дебиторлик ёки кредиторлик қарзларни тўғри ҳисобланганлиги ҳамда ҳисоб ва ҳисоботда реал акс этирилганлигини, бошланғич ҳужжатларни, бухгалтерия ёзувларини, уларда суммаларни тўғри акс этирилганлигини текшириш учун худди бошқа солиқлар сингари юқорида келтирилган шакллардаги аудиторлик иш ҳужжатларини тузиш лозим.

Биз тадқиқот олиб борган “Жиззахдонмахсулотлари” АЖнинг ер солиғи бўйича ҳисоб китобларини ўрганганимизда қуйидагиларни аниқладик.

1-жадвал

**“Жиззахдонмахсулотлари” АЖнинг ер солиғи бўйича ҳисоб китоби  
аудити**

№	Кўрсаткич номи	Корхона маълумоти			Аудит текшируви маълумоти			Фарқ +/-
		Ер майдони	Солиқ ставкаси 1 га учун	Сумма	Ер майдони	Солиқ ставкаси 1 га учун	Сумма	
1	Жиззах шаҳар Б саноат ҳудудида ишлаб чиқариш майдони	14.72	20212285	297524835	14.72	20212285	297524835	-
2	Жиззах шаҳар Б саноат ҳудудида чорва моллари етиштириш майдони	1.18	20212285	23850496	1.18	20212285	23850496	-
	Жами	15.9		321375331	15.9		321375331	

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки Жиззах шаҳар Б саноат ҳудудида солиқ ставкаси 1 гектар учун 20 212 285 сўмни ташкил этади. Корхонанинг жами 15.9 гектар ери мавжудлиги корхона кадастр ҳужжатлари орқали аниқланди ва солиқ ставкасига кўпайтирилганда 321 375 331 сўмни ташкил этмоқда.

Ер солиғи бўйича аудиторлик хатари ушбу солиқнинг асосий элементларидаги четланишлар ва хатоликларни топмасликда ёки тўғри

бўлган маълумотларни нотўғри деб расмийлаштирилганлигида ҳисобланади.

Ушбу хатарни камайтириш учун қуйидагиларга амал қилиш ўта муҳимдир:

- ер солиғи базасини аниқлашга асос бўладиган кўрсаткичларга оид исботу-далилларни тўлиқ тўплаш, бу кўрсаткичларни танлаб текширишга йўл қўймаслик;
- солиқ ставкаларини солиққа тортиладиган объект турлари бўйича тўғри қўлланилганлигга тўлиқ иқдор бўлиш;
- текширув натижаларини аудиторлик ҳисоботида атрофлича очиб бериш.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. Расмий нашр.Т.: “Адолат”, 2019.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) 2021 й. 25 февраль.

3. Уразов К.Б., Пашаходжаева Д.Д., Сайид-Ахмедов Т.Н. “Фойда солиғини такомиллаштириш йўллари” илмий мақола. 2018 йил 17-19 феврал.

4.Уразов К.Б. “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” ўқув қўлланма. Т.: “Ўқитувчи нашриёти. 2014 й.

5. Shirinov, U. (2020). ACCOUNTING IN THE DIGITAL ECONOMY: SIGNIFICANCE AND ADVANTAGES. *International Finance and Accounting*, 2020(3), 23.

6. Shirinov, U. (2017). The ways of accounting over telephone communication services in the existence of billing systems. *TRANS Asian Journal of Marketing & Management Research (TAJMMR)*, 6(2and3), 23-31.

7. Abdusalilovich, S. U., & Azamat o'g'li, B. A. (2021, March). IMPROVEMENT OF ACCOUNTING OF INCOME FROM COMMUNICATION SERVICES. In *Euro-Asia Conferences* (Vol. 3, No. 1, pp. 108-111).

8. Ширинов, У. А. (2019). УЧЕТ РАСХОДОВ В СУБЪЕКТАХ ОКАЗЫВАЮЩИХ УСЛУГИ ТЕЛЕРАДИО. *Интернаука*, (5-2), 19-21.

9. Ширинов, У. А. (2019). ТЕЛЕФОН ХИЗМАТЛАРИДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАДЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *Интернаука*, (2-2), 83-85.